

**БЕЗОРИЛИК ЖИНОЯТИНИ ТУШУНЧАСИНИ  
ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ТАҲЛИЛИ****Э.Ш.Маматханов**

ИИБ Академияси Магистратураси тинловчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8073729>**ARTICLE INFO**

Qabul qilindi: 15-June 2023 yil

Ma'qullandi: 18-June 2023 yil

Nashr qilindi: 20-June 2023 yil

**KEY WORDS**

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган туб ислохотлар, хусусан жиноятчиликка қарши курашиш сиёсатида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ўрни ва роли сезиларли даражада ошиб бормоқда.

**ABSTRACT**

Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига тажовуз қилувчи турли кўринишдаги ҳаракатлар ва ахборот уруши авж олиб бормоқда. Бунда жамиятда ўрнатилган юриш-туриш қоидаларини менсимасликда ифодаланган безорилик жиноятларининг янги турлари оммалашиб бораётганлигини мазкур жиноятлар гуруҳ бўлиб ҳаракатланиш холлари кўпайганлиги туфайли ушбу жиноятларни олдини олиш мақсадида назарий методика ва тактикаларни янада такомиллаштириш масалаларини тадқиқ қилиш лозимлигини англатади.

Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига тажовуз қилувчи турли кўринишдаги ҳаракатлар ва ахборот уруши авж олиб бормоқда. Бунда жамиятда ўрнатилган юриш-туриш қоидаларини менсимасликда ифодаланган безорилик жиноятларининг янги турлари оммалашиб бораётганлигини мазкур жиноятлар гуруҳ бўлиб ҳаракатланиш холлари кўпайганлиги туфайли ушбу жиноятларни олдини олиш мақсадида назарий методика ва тактикаларни янада такомиллаштириш масалаларини тадқиқ қилиш лозимлигини англатади.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган туб ислохотлар, хусусан жиноятчиликка қарши курашиш сиёсатида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ўрни ва роли сезиларли даражада ошиб бормоқда. Ўтган давр мобайнида замон талабларига жавоб берадиган "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг мутлақо янги тизими яратилди. Фақат жазолаш билан кўрқитиб, ҳуқуқбузарликларнинг оқибати билан курашиш эмас, балки ноқонуний ҳаракатлар содир этилишининг барвақт олдини олиш энг долзарб вазифага айланди"<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Джавкашев Ж.А. Безорлик жинояти ва унинг ўзига хос хусусиятлари // CARJIS. 2022. №2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/bezorlik-zhinoyati-va-uning-ziga-hos-hususiyyatlari> (дата обращения: 21.02.2023).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганларидек: "... айти вақтда ҳозирги мураккаб замон тинч осойишта ҳаётимизни асраш ва мустаҳкамлаш, халқимизнинг кафолатланган хавфсизлигини таъминлаш масаласини янада долзарб қилиб қўймоқда"<sup>2</sup>. Дарҳақиқат юртбошимиз томонидан мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жамоат тартибини сақлаш масалаларини ривожлантириш зарурати ушбу ислохотларнинг алоҳида муҳим қисмини ташкил этмоқда.

Безорлик жиноятини ўзга хос хусуияти ушбу жиноят жамоат жойларида содир этилишидир. Шу ўринда, А.А. Худайбердиев А.Б. Искандаров таъкидлаганидек, жамоат тартибини таъминлаш соҳасидаги муносабатларга тажовуз қилувчи ҳуқуққа хилоф қилмишлардан бири бу безорилик жинояти ҳисобланади<sup>3</sup>.

Безорилик жинояти ҳақида Жиноят кодексининг 277-моддасида қуйидагича тариф берилган яъни Безорилик, яъни жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик, уриш-дўппослаш, баданга енгил шикаст етказиш ёки ўзганинг мулкига шикаст етказиш ёхуд нобуд қилиш анча зарар етказиш билан боғлиқ ҳолда содир этилиши<sup>4</sup> тушунилади.

Бу борада, Ж.А. Джавкашев ҳам безорилик жиноятига ўз тарифини бериб, ушбу тариф қуйидагича яъни безорилик бу – жамоат тартибига қарши қаратилган жиноят бўлиб, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасликда ифодаланган ҳаракатлар шахсни уриш-дўппослаш, унга енгил тан жароҳати етказиш ёки ўзганинг мулкига анча миқдорда шикаст етказиш ёхуд уни анча миқдорда нобуд қилишдир<sup>5</sup>.

Назаримизда, безорлик жиноятини тариф беришда ушбу тарифлардаги ҳолатлар озлик қилмоқда шу сабабли **жамиятда ва интернет тармоқларида** юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасликда ифодаланган ҳаракатлар деб қўшимча қўшилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Чунки ҳозирги кунда вертуал олам деган тушунча кириб келганлиги ҳаммамизга бирдек маълум шу сабаби интернет тармоқлари тушунчаси қўшиш зарур ҳисобланади.

Безорилик жиноятини тушунчасини ёритишда аввало уни майда безорликдан фарқлаш зурур. Бу борада, С. Мирзараимов қуйидагича фикрлайди, безорилик ҳаракатлари ўзининг ижтимоий хавфлилиги нуқтаи назаридан жавобгарликнинг маъмурий ва жиноий тури билан фарқланади.<sup>6</sup>

Бундан ташқари, Э.М. Нишонов фикрича, безорилик оддий (Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 1-қисми) ва оғирлаштирувчи (Ўзбекистон

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2016 йил 7 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан.

<sup>3</sup> Худайбердиев А., Искандаров Ю. Жамоат жойларида содир этиладиган безорилик ҳуқуқбузарликларининг криминологик тавсифи //Development of pedagogical technologies in modern sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 6. – С. 33.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Электрон манба: <https://lex.uz/docs/111453>. (мурожаат вақти: 21.02.2023 й)

<sup>5</sup> Джавкашев Ж.А. Безорлик жинояти ва унинг ўзига хос хусусиятлари //Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS). – 2022. – Т. 2. – №. 2. – С. 535-541.

<sup>6</sup> Мирзараимов С. Безорилик ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беришнинг айрим жиҳатлари //Eurasian Journal of Academic Research. – 2023. – Т. 3. – №. 2. – С. 41-48.

Республикаси Жиноят кодексининг 277-моддаси 2 ва 3-қисмлари) ҳолатларда содир этилади. Шу муносабат билан, бу турдаги жиноятларни тергов қилиш жараёнида безориликнинг оддий элементларига тааллуқли асосий ҳолатлар билан бир қаторда, унинг оғирлаштирувчи қисмларига нисбатан қўшимча (“квалификация”) ҳолатларини ҳам кўриб чиқишни таъминлаш лозим.<sup>7</sup>

Фикримизча, ушбу ҳуқуқшунослар асосий урғуни безорилк жинояти тушунчасини ёритиш эмас балки унинг мазмунини ёритишга ҳаракат қилишган. Лекин безорлик жиноятини квалификация қилишда унинг тушунчада берилган ҳолатлар бўйича ажратилишини инобатга олиш зарур.

Ҳақиқатдан ҳам Т.Б.Адилов таъкидлаганидек, майда безорилик маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этишда ЖК.277-моддаси Безорилик жинояти аломатлари бўлмаслиги керак<sup>8</sup> деган фикрига тайянган ҳолда аввало ушбу майда безорлик ва безорилик жинояти тушунчаларидаги фарқларга эътибор қаратсак.

Жумладан, **майда безорилик**, яъни жамоат жойларида уятли сўзлар билан сўкиниш, фуқароларга ҳақоратомуз шилқимлик қилиш ҳамда жамоат тартибини ва фуқароларнинг осойишталигини бузувчи шу каби бошқа хатти-ҳаракатларда ифодаланган жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик<sup>9</sup> ҳисобланса **безорилик бу** – жамоат тартибига қарши қаратилган жиноят бўлиб, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасликда ифодаланган ҳаракатлар шахсни уриш-дўппослаш, унга енгил тан жароҳати етказиш ёки ўзганинг мулкига анча миқдорда шикаст етказиш ёхуд уни анча миқдорда nobуд қилишдир<sup>10</sup>

Дарҳақиқат, безорилик тушунчасида шахсни уриш-дўппослаш, унга енгил тан жароҳати етказиш ёки ўзганинг мулкига анча миқдорда шикаст етказиш тушунчалари бор фарқли жиҳати ҳам шунда. Лекин бир муаммоли ҳолат мавжудки ушбу муаммоли ҳолатни ечимини бериш зарур. Бинобарин, безорилик жиноятида шахсга енгил тан жароҳати етказиш деганда қандай даражадаги (маъмурий ёки жиноий) енгил тан жароҳат назарда тутилмаган. Шу боис, ушбу қоидага айнан қасдан енгил тан жароҳати етказиш жиноятини содир этса деган қушича киритишни таклиф этамиз.

Чунки, қасдан баданга енгил тан жароҳати етказиш ҳам МЖТКда ҳам 52-моддаси 2-қисмида мавжуд ҳам ЖКнинг 109-моддасида ҳам бор шу сабабли енгил тан жароҳати **жинояти** тушунчаси қўшилишига зарурат мавжуд.

Шу билан бирга безорилик жинояти тушунчаси назаримизда қуйидагича тарифланиши даркор. безорилик бу – жамоат тартибига қарши қаратилган жиноят бўлиб, жамиятда ва интернет тармоқларида юриш-туриш қоидаларини қасддан

<sup>7</sup> Ўғли Нишонов Э. М. Безорилик жиноятини тергов қилишда исботланиши лозим бўлган ҳолатлар //Results of National Scientific Research International Journal. – 2022. – Т. 1. – №. 6. – С. 511.

<sup>8</sup> Адилов Т.Б. майда безорилик ҳуқуқбузарлигини такомиллаштиришга доир айрим мулоҳазалар //Международная конференция академических наук. – 2022. – Т. 1. – №. 29. – С. 28.

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Электрон манба: <https://lex.uz/docs/97664#200535>. (мурожаат вақти: 21.02.2023 й)

<sup>10</sup> Джавкашев Ж.А. Безорлик жинояти ва унинг ўзига хос хусусиятлари //Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS). – 2022. – Т. 2. – №. 2. – С. 535-541.

менсимасликда ифодаланган ҳаракатлар шахсни уриш-дўппослаш, унга енгил тан жароҳатининг жиноий даражасини етказиш ёки ўзганинг мулкига анча миқдорда шикаст етказиш ёхуд уни анча миқдорда nobud қилишдир.

Бизга маълумки безорлик жинояти 3-қисмдан иборат бўлиб айнан бизга тегишли жойи 2-қимининг б) (бир гуруҳ шахслар томонидан) банди билан тартибга солинган.

Бу борада бир гуруҳ олимлар қуйидагича фмкорлайди уларнинг фикрича, бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилиши деганда ушбу турдаги безорилик бошқа одамга ўртача оғир шикаст етказилган пайтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади. Жамиятдаги ахлоқ қоидаларини бир гуруҳ шахслар томонидан қасддан менсимаслик мазкур безорилик оқибатидан қатъи назар, жиноий жавобгарликка тортиладиган қилмиш деб баҳоланиши керак. Бир гуруҳ шахсларнинг безорилиги қатнашувчилар ўртасида аввалдан келишув бўлмаганда ҳам (қатнашишнинг оддий шакли) ва улар безорилик ҳаракатлари бошлангунча уларни биргаликда содир этиш тўғрисида келишиб олган тақдирда ҳам (қатнашишнинг мураккаб шакли) қайд этилади (ЖК 29-моддасининг шар-ҳига қаранг)<sup>11</sup> деб фикр билдиганлар.

Шу билан бирга М.Рутамбоев ҳам бу борада ўз фикрини баён этган бўлиб, унинг фикрича, Бир гуруҳ шахслар томонидан содир эттилинган безорилик бирга бажарувчилик бўлиб, бирга ҳаракат қилувчи шахслар мазкур жиноятнинг объектив томонини бевосита бажарадилар, бироқ биргаликда иштирок этиш аввалдан келишиб олинган бўлмайди. Бундай ҳолатда одатда иштирокчилар безорилик ҳаракатларини содир этаётган шахсга келиб қўшиладилар<sup>12</sup>.

Назаримизда ушбу ҳуқуқшунос олимларни фикри жуда ҳам тўғри ёндашилган бўлиб, бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган безорилик жинояти тушунчасини ёритишда аввало уни қай шараоитда солирэтилишига ва жиноятни содир этган шахсни қоида тариқасида безорилик жинояти қатнашувчилари ўртасида аввалдан келишув бўлмаганда ҳам (қатнашишнинг оддий шакли) ва улар безорилик ҳаракатлари бошлангунча уларни биргаликда содир этиш тўғрисида келишиб олган тақдирда ҳам ушбу ҳаракатлари жиноятни таркибини бериши зарур деб ҳисоблаймиз.

### References:

1. Норбутаев Э.Х. Административно-процессуальные основы лицензирования оборота гражданского и служебного оружия в республике узбекистан //science and world. – 2013. – С. 29.
2. Нарбутаев Э., Еттибаев Г. Фаолиятни айрим турларини лицензиялаш ва рухсат бериш тартиботларини янада либераллаштиришнинг айрим масалалари //Общество и инновatsii. – 2021. – Т. 2. – №. 8/5. – С. 385-392. 35. Нарбутаев Э. Лицензиялашнинг маъмурий-ҳуқуқий табиати ҳамда ички ишлар органларининг рухсат бериш фаолияти //Общество и инновatsii. – 2021. – Т. 2. – №. 4. – С. 40-47. 84 36. Нарбутаев Э., Еттибаев Г. Некоторые вопросы дальнейшей либерализatsii лицензионно-разрешительных

<sup>11</sup> З.А.Алматов, Б.М. Мустафоев, С.Мирсафоев, У.К.Мингбоев, У.Тожихонов, (нашр учун масъул), Б.Х.Фуломов, А.С.Ёкубов, Э.Х.Халилов, Ҳ.Э.Пирмухамедов, М.Х.Рустамбоев. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси илмий-амалий шарҳлар. 1997. – Т. Б. 288.

<sup>12</sup>Рустамбоев М.Ҳ. Жиноят ҳуқуқи (Махсус қисм).– Т., 2011.Б. 347.

- процедур для отдельных видов деятельности //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 8/S. – С. 385-392.
3. Норбутаев Э. Ички ишлар органларининг лицензиялаш фаолиятининг ҳуқуқий асосларини ривожлантиришнинг айрим масалалари //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 5. – С. 69-77.
4. Норбутаев Э.Х. Ички ишлар органларининг лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш фаолияти бўйича ваколатларини таҳлили //barqarorlik va yetakchi tadqiqotlar onlayn ilmiy jurnali. – 2022. – С. 56-60.
5. Таштемиров А.А., Калауов С. А. Йўл ҳаракати хавфсизлиги ривожланиш концепциясининг истиқболлари ва киберхавфсизлигини таъминлаш зарурати //barqarorlik va yetakchi tadqiqotlar onlayn ilmiy jurnali. – 2022. – Т. 2. – №. 8. – С. 245-250.
6. Таштемиров А.А. Йулларда ҳаракатланишни тартибга солишнинг ҳуқуқий жиҳатлари ва бу борада технологиянинг аҳамияти //siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlar jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 111-115.
7. Таштемиров А.А. Ахборот технологиялари орқали содир этилган фирибгарлик жиноятларига қарши курашишнинг ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлари //O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali. – 2022. – Т. 2. – №. 14. – С. 320-327.
8. Таштемиров А.А. и др. Ижтимоий тармоқлар орқали содир этиладиган жиноятларга қарши курашиш чора-тадбирлари //Models and methods for increasing the efficiency of innovative research. – 2023. – Т. 2. – №. 21. – С. 24-31. 43. Таштемиров А.А. Фирибгарликка имкон берувчи шарт-шароитлар ва ушбу турдаги жиноятларга тайинланадиган жазо тизимининг ўзига хослиги //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 42-48.
9. Qushboqov, S., & Yetmishboyev, M. (2022). Jazoni ijro etish muassasalari ishtirokida tuziladigan fuqarolik-huquqiy shartnomalarning mohiyati va ahamiyati. Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences, 2(9), 76-80.
10. Таштемиров А.А. Фирибгарликка имкон берувчи шарт-шароитлар ва ушбу турдаги жиноятларга тайинланадиган жазо тизимининг ўзига хослиги //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 42-48.
11. Охунов З., Қушбоқов Ш. Талабалар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни олдини олишга оид айрим мулоҳазалар //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 11. – С. 34-39.
12. Qushboqov, S. (2023). Jazoni ijro etish muassasalarining yuridik shaxs sifatidagi tushunchasini yoritishda nazariy tahlil. Центральноеазиатский журнал образования и инноваций, 2(2 Part 2), 49-52.
13. Қушбоқов, Ш. (2023). Юртимизда тадбиркорликни жазони ижро этиш тизимидаги истиқболи. Models and methods in modern science, 2(5), 114-117.
14. Қушбоқов Ш. Жазони ижро этиш муассасалари фаолиятида тадбиркорликнинг ўрни //Международная конференция академических наук. – 2022. – Т. 1. – №. 27. – С. 16-20.
15. Нарбутаев Э. Административно-правовой характер лицензирования и лицензионная деятельность органов внутренних дел //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 4. – С. 40-47.